Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 8-iyun, shanba № 69 (3262)

***Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.***

**Ислом КАРИМОВ**

# «Универсиада – 2013» спорт ўйинлари иштирокчиларига

Қадрли ўғил-қизларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун униб-ўсиб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимни Ўзбекистон ёшларининг ҳаётидаги улкан воқеа — ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами бўлмиш «Универсиада — 2013» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан мубораквод этаман.

Ўлкамиздаги барча спорт мухлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамининг «Кўҳна ва боқий Бухоро» деб ном олган табаррук заминда ўтказилаётгани ушбу тантанага алоҳида маъно-мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз «Универсиада» қатнашчилари!

Сизларнинг «Кичик Олимпиада» деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз олдингизга қўйган мақсад йўлида азму шижоат ва қатъият кўрсатиб, олий ўқув юртларида илму фан чўққиларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йилги «Универсиада» финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз танлаган спорт тури бўйича катта ютуқларни қўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.

Албатта, бундай юксак марралар ва шоҳсупаларга кўтарилиш учун қанча-қанча ҳаракат, қанча куч-қувват, ирода ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши муқаррар.

Бу фикрларнинг тасдиғини қуйидаги рақам ва мисоллар яққол намойиш қилади.

«Универсиада» ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан якуний босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқёси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган «Универсиада» беллашувларини юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун аввало жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаётгани янада яққол аён бўлади.

Буларнинг барчаси аввалгамбор сиз, азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етаётган фарзандларимизнинг тараққий топган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчи, биз интилаётган юксак марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун — ана шундай буюк мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан «Универсиада» мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир спортчиларимизнинг изидан бориб, келажакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилакдошмиз.

Ҳеч шубҳасиз, «Универсиада — 2013» беллашувлари эл-юртимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчи ва муҳандисларга, мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

«УНИВЕРСИАДА – 2013»

# Ёшлик, баркамоллик ва гўзаллик байрами

**Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри яна байрам оғушида. Шаҳар иккинчи маротаба ёшлик, баркамоллик, шижоат ва гўзаллик байрами — Универсиада мусобақаларига мезбонлик қилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий этилган ва янги педагогик технология сифатида қўллаб давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилаётган таълим соҳасидаги уч босқичли спорт ўйинлари — умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицейлар ёшлари ўртасидаги «Баркамол авлод» ва олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз терма жамоаларига иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, олимпиячилар захирасини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларига катта спорт сари кенг йўл очишда мазкур тизим муҳим аҳамият касб этаётир. «Умид ниҳоллари»да илк маротаба катта мусобақа ҳавосини олган ёшлар «Баркамол авлод» ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширмоқда. Универсиада беллашувларида етук спортчи сифатида шаклланиб, катта спорт майдонларида давлатимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Мамлакатимиз талабаларининг 2000 йилда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган илк Универсиадасида спортнинг 9 тури бўйича 1712 нафар талаба иштирок этган эди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Андижон шаҳарлари мезбонлик қилган кейинги Универсиадаларда ёшларнинг маҳорати ва иқтидори ошиб, иқтидорли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани намоён бўлди.

Бу нафақат иштирокчилар сонининг кўпайганида, айни пайтда беллашувлар кескин ва муросасиз ўтишида, медаллар сонининг ортганида, спортчилар кўрсаткич ва рекордларининг йилдан-йилга ошиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланади.

Бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, шахмат, бадиий гимнастика, оғир атлетика, теннис бўйича яратилган ўзбек спорт мактабларини бутун дунё эътироф этмоқда.

Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров, жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, ФИДЕ устаси Нодира Нодиржонова, белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, Осиё ўйинлари ғолибаси Юлия Тарасова, сузиш бўйича кўпкарра рекордчилар — Раъно Омонова, Юлдуз Кўчқорова, ўсмирлар ўртасида қитъа чемпионатида ғолиб чиққан бадиий гимнастикачи Азиза Мамажонова каби йигит-қизлар ана шу уч босқичли тизим орқали катта спортга қадам қўйган.

Ўзбекистон спортининг халқаро майдондаги нуфузи юксалаётгани юртимизда жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан чамбарчас боғлиқ. Бу жараёнда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти айниқса самарали бўлмоқда. Жамғарма томонидан ўн йилда 1113 болалар спорти объекти қурилди, фаолият кўрсатаётган 262 спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган болалар сони 1 миллион 800 минг нафардан ошди. Бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, спорт ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг салоҳиятини намоён этиш, ғурур ва ифтихорини юксалтиришнинг энг самарали ва таъсирчан воситасидир. Инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам пойдеворидир...

Универсиада мусобақалари бу йил ҳам 12 спорт тури — баскетбол, волейбол, кураш, белбоғли кураш, дзюдо, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, футбол, гандбол, шахмат ва сузиш бўйича ташкил этилмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтган кўп босқичли саралаш мусобақаларида ғолиб чиққан йигит-қизлардан таркиб топган 14 терма жамоа қатнашмоқда.

Вилоятда Универсиадага катта тайёргарлик кўрилди. Улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ўтказилган «Бухоро» спорт мажмуаси қайта таъмирланди, мажмуа стадионига жаҳон талабларига жавоб берадиган йирик ҳажмли электрон табло ва замонавий ёритгичлар ўрнатилди, трибуна ўриндиқлари ва югуриш йўлаклари қопламалари янгиланди.

Бухоро Давлат университети ҳамда Муҳандислик-технология институтида янги замонавий спорт зали қурилди. У ердаги футбол, волейбол, баскетбол ва гандбол майдонлари капитал таъмирдан чиқарилиб, ўзига хос спорт маркази барпо этилди. «Дилкушо» теннис кортлари, «Семурғ» ва «Ҳумо» спорт мажмуалари, Бухоро олимпия захиралари ҳамда Нефт-газ коллежлари спорт заллари ҳам тўла таъмирланиб, зарур спорт инвентарлари билан жиҳозланди.

Шаҳар кўчалари ва хиёбонлари ободонлаштирилди. Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари яшайдиган талабалар турар жойлари ва меҳмонхоналарда барча зарур шароит яратилди. Бухоро халқаро аэропорти ва темир йўл вокзалида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

«Универсиада — 2013» беллашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тайёрланган. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, турли шоу-концертлар ўтказиш кўзда тутилган.

Спорт байрамининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**ЎзА хабари асосида тайёрланди**

КУТИЛГАН ТАШРИФ

# Ассалом, оромгоҳ!

**Шу кунларда болажонларнинг кувончи чексиз. Чунки улар учун ёзги таътилда марокли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Сўлим оромгоҳларда дўстлар орттириб, гўзал табиат қўйнида ҳар бир кунни мазмунли ўтказишади.**

Кеча Тошкент Марказий темирйўл вокзали ҳар кунгидан-да гавжум бўлди. «Қўнғирот — Тошкент» йўналишидаги поездда келган азиз меҳмонлар — қорақалпоғистонлик 200 нафар ўғил-қизни тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари қучоқ очиб кутиб олишди. Болажонлар узоқ йўл босган эсада, юз-кўзида чарчоқ сезилмайди, ҳаяжон устунлик қилиб турибди.

— Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги сўлим масканда жойлашган оромгоҳимизда дам олувчилар учун барча шароит муҳайё. Жорий мавсумда қорақалпоғистонлик 600 нафар ўғил-қизни соғломлаштирамиз. Мавсум уч навбатда ташкил этилади. Кўриб турганингиздай, биринчи навбатга уларнинг 200 нафарини қабул қилаяпмиз, — дейди «Гулбаҳор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Баҳодир Гайипов. — Болажонларнинг мазмунли дам олиши учун имкониятларимиз етарли. Спорт майдончалари, кутубхона улар хизматида. Турли тўгараклар фаолият кўрсатади. Шу билан бирга пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, истироҳат боғларига саёҳатлар уюштирилади. Таниқли шоир-ёзувчилар, спортчилар билан учрашувлар ўтказилиб, санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари намойиш этилади.

— Ушбу оромгоҳга ўтган йили ҳам келгандим, — дейди нукуслик Бибизода Максидбоева. — Айниқса, музейлар, Ҳайвонот боғи, Мустақиллик майдони менда катта таассурот қолдирганди. Яна шундай имконият насиб этганидан хурсандман.

— Менинг эса илк бор келишим, — дея суҳбатга қўшилади Сайёра Бойниёзова. — Ўтган йили дам олган дугоналаримдан оромгоҳ ҳақидаги таассуротларини эшитиб, уларга ҳавас қилгандим. Бу йил мен ҳам, албатта, шу оромгоҳга бораман, дея отаонамга айтгандим. Мана, ниятим амалга ошди.

Болажонлар бирин-кетин автобусларга чиқиб, кўзларида қувонч порлаб, «Қайдасан, оромгоҳ?» дея йўлга тушишди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икорм ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

# Раъно — илк олтин медал соҳибаси

**Бухоро шаҳрида олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада — 2013» республика спорт мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар терма жамоалари спортнинг 12 тури бўйича 220 медаллар жамланмаси учун курашга киришди.**

«Универсиада — 2013» мусобақаларининг дастлабки олтин медалини сузиш бўйича Ўзбекистон чемпиони ва мамлакатимизнинг кўп карра рекордчиси Раъно Омонова қўлга киритди. «Семурғ» спорт мажмуаси сув ҳавзасида ўтказилаётган мусобақада истеъдодли спортчимиз 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича маррага биринчи келиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Талабалар мусобақасининг дастлабки олтин медалини қўлга киритганимдан хурсандман, — дейди Андижон Давлат университети биринчи курс талабаси Раъно Омонова. — Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган уч босқичли спорт мусобақалари биз, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишимиз, улкан ғалабаларни қўлга киритишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мен илк бор 2006 йили Қарши шаҳрида ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида ғолиб бўлган эдим. 2011 йили Термиз шаҳри мезбонлик қилган «Баркамол авлод» ўйинларида тўртта олтин медални қўлга киритдим. Ушбу Универсиада мен учун жорий йилнинг июл ойида Испанияда бўладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтайди.

«Универсиада — 2013» спорт мусобақалари дастуридан жой олган сузишнинг турли йўналишлари бўйича 50, 100 ва 200 метр масофага ўтказилган баҳсларда энг юқори кўрсаткични қайд этган пойтахтлик Анастасия Рўзметова, Анна Плюсова, Алексей Дерлюгов, навоийлик Пётр Ромашкин, андижонлик Муаззам Худоёрова, Фарҳод Амилов ҳамда Собитжон Амилов ҳам биринчи ўринларни эгаллади.

Сузиш мусобақасининг турли масофаларга ўтказилган эстафета беллашувларида Тошкент шаҳри жамоаси иккита, Андижон ва Навоий вилояти терма жамоалари биттадан олтин медал жамғарди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

*Суратда: сузиш бўйича Ўзбекистон чемпиони ва мамлакатимизнинг кўп карра рекордчиси Раъно Омонова.*

**(ЎзА) сурати**

Ishonch
2013-yil 8-iyun № 69 (3262)

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

# Кимёгарлар жонбоз

**Болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ҳамда соғломлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишга Кимё соҳаси бўйича республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси ходимлари томонидан жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.**

Тармоқ тасарруфидаги корхона ва ташкилотларга тегишли «Кимёгар» («Максам-Чирчиқ» ОАЖ), «Чимён» («Аммофос-Максам» ОАЖ), «Офтобжон» («Навоийазот» ОАЖ), «Камалак» («Навоий электркимё заводи» ОАЖ), «Кимёгар» («Фарғонаазот» ОАЖ) оромгоҳларининг бугунги қиёфасидан диллар яшнайди. Ушбу дам олиш масканларида ободонлаштириш, ётоқхона биноларининг фасадлари, «Маънавият-маърифат» хоналари, сув ҳавзалари, ўйин майдончалари, спорт жиҳозларини таъмирлаш ва бўяш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга, уларда капитал ва қайта қурилиш юмушлари жадал олиб борилди. Оромгоҳларни таъмирлаш ва моддий-техника базасини янгилаб, жиҳозлаш учун 2,3 млрд. сўм сарфланди.

Болаларнинг овқатланиши учун корхона ва ташкилотлар ҳисобидан қўшимча маблағ ажратилди. Жумладан, бир болага кунлик овқатланиш белгиланган меъёр бўйича 6500 сўм бўлса, бу кўрсаткич «Чимён»да 11500 сўм, «Кимёгар»да 11255 сўм, «Офтобжон»да 8328 сўм ҳамда «Кимёгар»да 8000 сўмни ташкил этади.

Шунингдек, оромгоҳларнинг ҳар навбати 12 кун бўлса, «Чимён»да 15 кунга, «Кимёгар»да 17 кунга, «Офтобжон»да 18 кунга узайтиришга эришилган. Бунда сарф-харажатларни хўжалик органлари зиммасига олган.

Хуллас, мавсумда 4640 нафар ўғил-қизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши режалаштирилган бўлиб, ўйлаймизки, таътил кунларини завқли ўтказишади.

**С.ТЎЛАГАНОВ,**
**Кимё соҳаси бўйича республика БКУҚнинг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича етакчи мутахассиси**

# Янгиликлар кўп...

**«Тахти қорача» довонида жойлашган «Алоқачи» болалар оромгоҳи ташкил топганига салкам ўттиз йил бўлди. Дастлаб оддийгина, пастқам биноларда жойлашган дам олиш маскани чиройи бугун кўзни олади.**

Янгидан қад кўтарган ётоқхона мажмуи, ювиниш хоналари ва турли майдончалар ободликдан нишона. Умумий ер майдони 7 гектарни ташкил этадиган оромгоҳда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Қашқадарё филиали ва бошқа тармоқ корхоналарида ишлайдиган ходимларнинг фарзандлари дам олишмоқда.

— Режага кўра ҳар бир кунга алоҳида ёндашганмиз, — деди бош етакчи Шоира Облоқулова. — Дастлаб оромгоҳнинг ўзида спорт беллашувлари ўтказиб, ғолибларни аниқлаб оламиз. Кейин қўшни оромгоҳлар билан мусобақалар ташкил этилади.

Ҳамма нарса эътиборимизда. Одоб-ахлоқ, зукколик, фаолликка ундовчи тадбирлар, ҳар хил тўгараклар, табиат қўйнига қилинадиган саёҳатлар, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказиладиган маданий-маърифий кечалар, ўйлайманки, болажонлар хотирасида қолади. «Биз оромгоҳда шундай қилардик», дея таассуротларини узоқ вақт гапириб юришади.

# Тоғлар қўйнида

**«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасига қарашли «Ёш алангачи» болалар оромгоҳи Китоб туманининг сўлим Қайнар қишлоғида жойлашган.**

Тоғлар бағридаги бу дам олиш масканида бўлган ўғил-қизларнинг қалби табиатнинг мафтункор манзарасидан шодликка тўлиб, вужудида олам-олам шижоат, ғайрат уйғонади.

Мавсум арафасида оромгоҳ кроватлари янгиланди, ўйингоҳ ва «Қувноқ болалик» майдонларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Биринчи навбатда 700 нафар ўғил-қизни ўз бағрига чорлаган масканда зерикишга вақт йўқ. Ҳар куни режа асосида турли кўриктанлов ва спорт мусобақалари уюштирилмоқда. «Обод юрт мадҳи», «Баркамол авлод вакилларимиз», «Куч билим ва тафаккурда» каби маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирокчилар рағбатлантириляпти.

— Жорий мавсумда 2800 нафар ўғил-қизни соғломлаштиришни режалаштирганмиз, — деди оромгоҳ директори Насибулла Ҳодиев. — Улар орасида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам бор. Кези келганда болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси барча шароитларни яратиб берганлигини таъкидлашни истардим.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

КЎРИК-ТАНЛОВ

**Урганчдаги 24-сон санъатга ихтисослашган мактабда «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи ўтказилди.**

# Иқтидорнинг кўпдир қирраси

— Кейинги йилларда касаба уюшмалари томонидан аъзоларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини рўёбга чиқариш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида ёндашилиб, шу мақсадда турли танлов, давра суҳбати, учрашув ва маънавият соатлари ўтказилиб келинмоқда. «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танлови шулар жумласидан, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов танловни очаркан.

Вилоятдаги 651 та бошланғич касаба уюшма ташкилотида «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танлови кўтаринки руҳда ўтказилиб, уларда 3751 нафар касаба уюшма аъзоси ўз иқтидор ва истеъдодини намоён қилди.

Бошланғич ташкилотларда ғолибликни қўлга киритган 839 нафар ҳаваскорлар апрел ойида шаҳар, туман босқичларида яна бир карра ўз маҳоратини синовдан ўтказишди.

Вилоят босқичига туман босқичларида ғолиб чиққан 129 нафар ишчи-хизматчи йўл олди.

Танлов натижаларига кўра, анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича Урганч Давлат университети ўқитувчиси Комилжон Абдираимов, эстрада қўшиқчилигида қўшқўпирлик Жасур Раҳимберганов, якка чолғуда шовотлик Санъат Худойназаров, ансамбл чолғу ижрочилигида Хива тумани вакиллари, якка рақс ижрочилигида Ҳазорасп туманидаги 4-сон мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Интизор Қўзиева, жамоа рақси ижрочилиги бўйича Хива тумани жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Ғолиблар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**

ТАДБИР

# Эътибор

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Обод турмуш йили» дастури ижросини таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган 20 нафар кам таъминланган, иқтидорли талабага касаба уюшмаси устама стипендияси жорий этиш назарда тутилган эди.**

Шунга кўра кеча 10 нафар талаба касаба уюшма стипендияси билан тақдирланди. Тадбирда ЎзКУФҚ раиси ўринбосари Б. Маҳмадалиев, тармоқ ходимлари Марказий кенгаши раиси Р.Бедилов талабаларни стипендия билан табриклаб, келгуси ўқиш ва ишларида муваффақиятлар тилашди.

— Ёшларнинг таҳсил олишида кўрсатилаётган катта эътибор учун касаба уюшмаларига чуқур миннатдорчилик билдираман, — деди Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Зоиржон Зокиралиев. — Бунга жавобан янада яхши ўқишга, келгусида малакали мутахассис сифатида юртимиз ривожида муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

**Мунира МУҲАММАДИЕВА.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — БОЛАЛАРГА

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида тадбир уюштирилди.**

# Ҳайвонот боғида

Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган Меҳрибонлик уйлари, ёрдамчи мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан иборат 300 нафар болажон учун пойтахтимиздаги Ҳайвонот боғига чипта олиб берилди.

— Болаларнинг ҳайратидан ўзингиз ҳам болаликни қўмсаб қоласиз, — дейди тармоқнинг Ангрен шаҳар кенгаши раиси Р.Газиева. — Қилинаётган савоб ишлардан дилингиз яйрайди.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

КАСАБА УЮШМА СИРТҚИ МАКТАБИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясии Кенгаши томонидан фаолиятни мувофиқлаштириш ва самарадорликни ошириш мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, хусусан, тизимнинг такомиллаштирилиши, устувор йўналишлар бўйича услубий қўлланмалар ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар учун жамоа шартномалари макетларининг ишлаб чиқилиши, кадрларни тайёрлаш, уларнинг захирасини яратиш, ўқитиш, малакаларини ошириш ва бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатишни кучайтириш борасидаги ишлар алоҳида эътирофга лойиқ.**

# Етакчи

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ҳар бир корхонанинг тараққиёти ва ходимлар фаровонлиги иш берувчи, ходимлар ва уларнинг вакиллик органи ўртасидаги ижтимоий шериклик қай даражада йўлга қўйилганлиги ва амалга оширилишига боғлиқ. Ижтимоий шериклик, аввало, манфаатлар муштараклиги, ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва ҳамдардлик муносабатлари заминида шаклланади. Унинг жозибадор жиҳатларидан бири ҳар бир корхона тараққиётининг зарурати ҳар бир ишчининг манфаати шаклида ифодаланишидир. Иш берувчилар билан бирга меҳнат муносабатлари доирасидаги барча масалаларнинг демократик ва маърифий тамойиллар асосида тартибга солинишига эришиш, манфаатлар мувозанатини таъминлаш ва мувофиқлаштириб бориш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишлари бўйича ягона позицияни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирок этиш касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан биридир.

Касаба уюшма ташкилотлари корхоналардаги меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи вакиллик органи сифатида фаолият юритиши барчага маълум. Ўз навбатида, мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш услубидан қатъи назар ҳар бир корхонада бажарилган ҳар қандай ишнинг, амалга оширилган саъй-ҳаракатнинг мазмуни ва аҳамияти эришилган натижа ҳамда унинг қанчалик эътироф этилиши билан ўлчанади. Юқорида қайд этилган вазифалар ва меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни ташкил қилиш, амалга ошириш ҳамда кучайтиришнинг асосини ташкил этувчи масалалар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда фикр юритадиган бўлсак, бугунги кунда касаба уюшмалари фаолиятининг самарасини таъминлашда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор берилиши давр талабига айланиб бормоқда:

- биринчи галда барча даражадаги касаба уюшма кадрларига, уларнинг билими, салоҳияти, тажрибаси, ҳуқуқий саводхонлиги ва маънавий камолоти;

- иш берувчилар билан ҳамкорликда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари доирасида ишлаб чиқилган ва корхонадаги меҳнат, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда маиший муносабатларга оид масалаларни тартибга солиш ва ҳал қилишга қаратилган ички меъёрий ҳужжатларнинг сифати, мазмуни ҳамда таъсирчанлиги;

- мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқишда, уларнинг ижросини таъминлаш, таҳлил, муҳокама ва назорат қилиб боришда иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни кучайтириш, бу борада мавжуд ҳуқуқий асослар ва имкониятлардан тўла фойдаланиш.

Касаба уюшмалари асосини бошланғич ташкилотлар ташкил этиши боис, юқорида қайд этилган масалаларнинг ижобий ечимига эришишда, энг аввало, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг малакаси ва касбий маҳоратини ошириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш энг долзарб ва муҳим масалалардан бири бўлиб қолади. Ўз навбатида, корхоналарда меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни таъминлаш ва кучайтириш борасида бошланғич ташкилотлар етакчиларидан қуйидагилар талаб қилинади:

- биринчидан, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асосини ташкил этувчи масалалар ва уларнинг моҳиятини, мазкур масалаларни ҳал қилишда меҳнат муносабатларига оид халқаро нормалар, миллий қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини, корхонанинг мақоми, ҳуқуқлари ва ваколатларини, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, етказиш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар таркиби ҳамда турларини, ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнат ҳақи тўловлари ва ишчи кучини сақлаш харажатларига кирадиган тўловлар турларини ҳамда уларнинг тўланиш манбаларини, меҳнатни меъёрлаштиришнинг мақсади, вазифалари ва усулларини, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини ҳамда уларни ташкил қилиш услубларини мукаммал билиш.

- иккинчидан, меҳнат муносабатлари доирасидаги масалаларни тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасидаги мулоқотлар ва музокаралар жараёнида билим, тажриба, малака ва таҳлилларга таянган ҳолда қуйидаги масалалар бўйича асосланган таклифлар киритиш ва уларнинг қабул қилинишига эришиш:

- муайян ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) объектидаги меҳнат шароитлари ва вазифаларни инобатга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ёки ишбай шаклини ҳамда уларнинг турли кўринишларини қўллаш;

- меҳнат ҳақи тўловларининг маҳсулот таннархидаги улушини ошириш, бажариладиган ишларни тарификациялаш ва ишчи-хизматчиларга тарифмалака разряддарини белгилаш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ходимларни мукофотлаш ва рағбатлантириш низомларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, мукофотлаш кўрсаткичлари, мезонлари ва шартларини ўзгартириш;

- меҳнатни меъёрлаштиришнинг мақсади ва вазифаларини, корхонадаги меҳнат шароитларини, технологик жараён хусусиятлари ва амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш шаклларини инобатга олган ҳолда асосланган меҳнат меъёрларини белгилаш;

- меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш ва бошқариш бўйича аниқ мажбуриятлар ва тартиб-қоидаларни, корхонадаги меҳнат шароитлари ва ишлаб чиқариш хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш режими, иш вақти ва дам олиш вақтларини белгилаш, касби ва малакаси бўйича ходимларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш;

- корхона фаолиятининг якуний натижаларидан келиб чиққан ҳолда ходимларга қўшимча ижтимоий имтиёзлар, меҳнат ҳақи билан боғлиқ бўлмаган компенсация тарзидаги тўловлар ва ишчи кучини сақлаш учун сарфланадиган харажатлар турлари ҳамда миқдорларини белгилаш.

- учинчидан, жамоа шартномалари тузишнинг асосий принципларидан бири, бу олинган мажбуриятларнинг ҳақиқатда бажарилишини таъминлаш эканлиги инобатга олинадиган бўлса (МК 30-моддаси), жамоа шартномасидаги барча мажбуриятлар шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида бажарилиши шарт. Лекин, объектив ва субъектив сабабларга кўра шундай ҳолатлар ҳам юзага келиши мумкинки, бунда жамоа шартномасидаги айрим имтиёз ва мажбуриятларнинг шартномада белгиланган бутун муддат давомида бажарилишини таъминлаш учун корхонанинг молиявий-иқтисодий имкониятлари етмай қолиши мумкин. Жумладан, молиявий инқироз таъсири ва бозор конъюктурасининг салбий томонга ўзгариши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг камайиши, хом ашё танқислиги ва ишлаб чиқариш режаларининг тўлиқ бажарилмаслиги, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг ошиши, рентабелликнинг пастлиги ва соф фойда олиш бўйича режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилмаслиги ҳамда бошқа айрим сабаблар юқорида қайд этилган ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда жамоа шартномасидаги айрим ижтимоий имтиёзларни вақтинча тўхтатиб туриш, миқдорини камайтириш, амалга ошириш муддатларини қисқартириш, татбиқ этилиш доирасини чеклаш ёки бекор қилиш зарурияти юзага келиши табиий ва тарафлар мазкур масалани ўрнатилган тартибда ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур масалаларни кўриб чиқишда тарафлар, аввало, уларнинг объектив сабабларини ҳар томонлама асослаган ҳолда меҳнат жамоасига етказишлари ва тушунтиришлари ҳамда мазкур имтиёз-

ОБОД ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

# Мен Урганчда адашдим

**Қайси бир инсон хаёл сурмайди, дейсиз. Деярли ҳамма. Аммо кимдир одамгарчилик ҳақида, кимдир эса... Чин инсон хаёлида юрт, дунё тақдири туради доимо. Шу юртда, шу дунёда яшашимиз, авлодларнинг осойишта ҳаёт кечириши бугунги кун одамига боғлиқ экан, нечун хотиржамлик, осойишталикни ўйламаслигимиз керак?!**

Хоразмлик истеъдодли шоира Гавҳар Ибодуллаева ҳам шу ҳақда қайғуради:

XXI аср одами!

Кўзларингни каттароқ оч!

Бугун бу юмалоқ ер, ундаги жўшқин ҳаёт сенинг қўлингда чайқалиб турибди!..

Эҳтиёт бўл! Тушиб кетмасин...Ҳаёт!

Оналар қалбидаги безовталик беҳуда эмас, ўз-ўзидан шамол эсмайди.

Ногаҳонда қўнғироқ жирингилайди. Беихтиёр гўшакни кўтараман — Саъдулла Сиёев!

— Тўлқин, уюшмага ўтиб келгин, чақиришяпти. Хоразмга ижодий сафарга кетар эканмиз!

Янги ишхонамда бош қашишга вақт йўқ, ишлар қалашиб ётибди. Лекин бунақа таклифдан ҳам бўйин товлаб бўлмайди. 75 ёшни қоралаган оқсоқол адибнинг сўзини икки қилиш қийин...

Устознинг зил-замбил сафар халталарини кўтариб, йўлга тушдик.

— Нима бу, устоз?

— Китоб!

Ҳаммаси тушунарли: у киши қаерга борса, янги китобларини дўстларига совға қилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясига қарашли қудратли ҳаво кемаси бир соатда Урганч аэропортига қўнди. Сайёҳлар ҳам анчагина. Кутиб олувчилар улардан кўп. Вилоят ҳокимининг маънавият ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Комилжон Жўманиёзов, шоир Ошиқ Эркин, вилоят ёзувчилар бўлими раҳбари Гавҳар Ибодуллаеваларнинг юзларида нур балқийди. Мезбонларнинг самимиятини кўриб, кўнгил ёришади, лекин уларни уринтириб қуйишдан хижолат тортгандек бўламиз. Беш-олти хушдилликдан сўнг, хижиллигимиз тарқагандек бўлади.

Энг қизиғи, янги Урганчда адашиб қолдим. Нима, шаҳарни олдин кўрган эмасмидингиз, дейсизми? Кўрганман. Бу шаҳарда ўн марталаб бўлганман-ов!

Унда гап нимада?

Шу саволингизга кейинроқ жавоб берай-да, воқеани ҳикоя қила қолай.

Очиғи, юрт соғинчи менда ўзгачароқ: бир йилда уч-тўрт маротаба Самарқанд, Бухоро, Термиз, Урганч, Хива ёки водийни айланиб келмасам, кўнглим тўлмайди. Зараўтсой, Айритом, Далварзинтепа, Сармишсой ва Хоразм мен учун фахр ва ифтихор туйғуси. Шоир Муҳаммад Юсуф айтганидек, Ватанимнинг битта майсасини бошқа юртнинг бир вагон тиллосига алишиб бўлмайди.

Бу галги сафаримиз одатдагисидан бошқачароқ кечди. Оқсоқол ёзувчимиз Саъдулла Сиёев халқимизга «Аҳмад Яссавий» ҳазратларини бор бўйлари билан қайтариб бердилар. Ана шу биргина хизматлари учун ҳам адибни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Оқсоқолнинг шундай оғир ва сермашаққат ишни амалга оширгани — катта жасорат. Китобни ўқиш, баҳо бериш, яна денг маслаҳат бериш бирам осон-ей! Баъзи маслаҳаткашлар: «Зўр гапиряпман!» деб ғуддайиб қўйишади ҳам. Шунисига гоҳо чаккани қашийди одам!

Хуллас, «Аҳмад Яссавий» ёзилгунча 20 йил ўтди.

Эҳ-ҳе, ҳаммаси эсимда.

Бир куни шундай деб қолдилар:

— Мен замонни тушунган одамман, Тўлқин, Мустақиллик имкон берган экан, оғир бўлса ҳам романимни поёнига етказаман. Ишқилиб, ўзи ёрлақасин!

Яна эсимда:

«Аваз» ёзилганда, бошқалар ҳайрон:

— Бу киши ўткир ҳажв устаси эди, тарихий роман ёзибдиларми?

Боз чаккамни қашийман: булар одамни робот деб ўйлашади шекилли. Одам — ҳар нарсага қодир, деган гап улар учун афсонами?! Шунақалар ҳам бор-да: ҳали ҳам фикрлари қум юзида туради. Шуларга ҳам инсоф берсин!

Кейин...

Кейин «Яссавийнинг сўнгги сафари» чиқди.

Олам чароғон ёришиб кетган бўлса-да, айримларнинг юзида ҳайрат булутлари бўй кўрсатди...

Самолётдан тушаяпмиз-у, адиб менга қараб-қараб қўядилар, қўлларимда сумкалари.

— Сен ҳам китобларингни олмадингми? Тақдимот қилмайсанми?!

*(Давоми 4-саҳифада).*

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**— Синглим, нафақага чиқаётгандим, кимга мурожаат қилсам бўлади?**
**— Албатта бизга-да. Қани, қўлингиздаги ҳужжатларни беринг-чи? Бюджетдан ташқари Юнусобод туман Пенсия жамғармаси бўлимига бундай саволлар билан мурожаат қилувчилар бисёр.**

# Электрон ҳужжатлаштириш тармоғи

## узвий боғланишга йўл очди

Жорий йил бошидан барча қулайликка эга янги бинода иш бошлаган Юнусобод туман Пенсия жамғармаси бўлими ходимларидан мижозлар хурсанд.

Мижозларнинг қабули режа асосида ташкил этилгани иш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, дам олиш, кутиш заллари, мониторинг хизматлари, телевизорга уланган видеокамералар асосида навбатни режали ва тезкор ташкил этиш, экранда мунтазам ёзилиб турадиган электрон табулограмма мижозларни пенсия, нафақалар ҳақидаги янги маълумотлардан хабардор этиб туради. Навбат кутаётганларга эса телевизор, юмшоқ ўриндиқлар, аквариум ва яшил бурчак завқ бағишлайди. Мижозларнинг қўшимча савол ва мурожаатларига аниқлик киритиш учун 200-40-40 рақамли «Ишонч» телефони ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида иш олиб борилаётган бўлимда 41 минг 846 нафар нафақа олувчи рўйхатга олинган. Улардан 4 минг 281 нафари ногирон, 1 минг 147 нафари боталиқдан ногирон, 29 минг 43 нафари ёшга доир пенсия олувчилардир.

— Пенсия ва нафақаларни вақтида мижозларга етказиш мақсадида Шайхонтоҳур, М.Улуғбек алоқа бўлимлари ва «Ўзбекистон» почтаси билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Режа асосида белгиланган тўловлар ҳар ойнинг 5-санасидан 27-санасигача мижозларга алоқа бўлимлари томонидан етказиб берилади. Тизимни такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш мақсадида ҳафтада икки марта маънавият ва техника амалиёти дарслари олиб борилади. Уларда қонун, фармонлар, тестлар, ҳужжатларни расмийлаштириш, мижозлар билан ишлаш, мониторинг ва банк хизматлари, муомала маданияти кабиларни мукаммал эгаллаш бўйича ўқувлар ташкил этилади, — дейди бўлим раҳбари Дилфуза Ғафурова.

Бўлимда фаолият кўрсатаётган 36 нафар ходимнинг ярмидан кўпи ёшлар. Жорий йил яна 5 нафар йигит-қизнинг иш билан бандлиги таъминланиб, улар тажрибали ходимларга бириктирилди. Қувонарлиси, 2010 йил август ойидан йўлга қўйилган нафақа тайинлашнинг электрон ҳужжатлаштириш тармоғи шаҳар бўйича барча пенсия жамғармалари бўлимларининг ҳужжатлар асосида узвий боғланишига йўл очди. Бу эса вақтдан унумли фойдаланиш, режали ишлаш ва иш унумдорлигини янада ошириб, қоғозбозлик ҳамда ортиқча сарф-харажатларга барҳам берилади.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейдилар.

Мижозларга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган Пенсия жамғармаси бўлимида ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Самарали меҳнат қилаётган ходимларни байрам ва тадбирларда моддий рағбатлантириш, соғломлаштириш, тарихий обидаларимизга саёҳатлар уюштириш йўлга қўйилган бўлиб, бу иш унумдорлигини оширишга хизмат қилаётир.

**Марям АҲМЕДОВА**

## Маърифат маскани

Истиқлол йилларида гўзал қиёфа ва замонавий шароитга эга бўлган Марғилон шаҳар тарих музейи ёшлар, сайёҳлар билан гавжум. Бу ерда тарихий аҳамиятга молик олти мингдан зиёд экспонат сақланмоқда. Музейда маънавий-маърифий тадбир, илмий анжуман ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказилади.

**Суратда: Марғилон шаҳар тарих музейида.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ «ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объект номи:

**«Фарғона вилоят Фарғона шаҳридаги «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси Фарғона филиали биноси қурилиши».**

*Муддати* — **1.11.2013 йил.**

*Бошланғич нархи* — **3 568 897 560 сўм ҚҚС билан; 2 974 081 300 сўм ҚҚС сиз.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 7-уй. Тел: (373) 224-11-53, 224-00-42 (факс).

Қурилиш ишлари: «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЛК маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Ушбу тенг бўлган ҳолатларда, афзалик кичик бизнес субъектларига берилади.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: (373) 224-18-71.*

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.

**«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

2013 йил 9 июл куни соат 12:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Ўзбектелеком» АК Бухоро филиалига қарашли 1996 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-21053» русумли, д/р 80/982 GAA бошланғич баҳоси 3 086 673 сўм, 1979 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-52» бортовой русумли, д/р 20 AI 751 бошланғич баҳоси 5 691 000 сўм, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-52» топливозаправщик русумли, д/р 80/023 LAA бошланғич баҳоси 28 455 620 сўм, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «МАЗ-5549» самосвал русумли, д/р 80/025 LAA бошланғич баҳоси 21 618 375 сўм, 1984 йилда ишлаб чиқарилган »Прицеп 2ПТС-4-793» русумли, д/р БВ 9202 бошланғич баҳоси 1 402 596 сўм, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «Трактор МТЗ-80Х» русумли, д/р БВ 2666 бошланғич баҳоси 11 780 000 сўм, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «Трактор Т-28х4МС-1» русумли, д/р БВ 8576 бошланғич баҳоси 4 061 000 сўм, 1984 йилда ишлаб чиқарилган «Экскаватор ЮМЗ-6КЛ» русумли, д/р БВ 3174 бошланғич баҳоси 9 646 293 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилади. Талабгорлар аризаларни қабул қилиш «Аукцион» савдолари бошланишидан 1 кун олдин яъни, 8 июл соат 12:00да тўхтатилади. Савдолар Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 2-«А»уй, «Ўзбектелеком» АК Бухоро филиалининг биносида ўтказилади.

2013 йил 9 июл куни соат 15:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти Пешку туман филиалига қарашли 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, д/р 80/631 QAA бошланғич баҳоси 1 100 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади. Талабгорлар аризаларни қабул қилиш «Аукцион» савдолари бошланишидан 1 кун олдин яъни, 8 июл соат 15:00да тўхтатилади. Савдолар Бухоро шаҳри, Қарши дарвозаси кўчаси, 1-уйда ўтказилади.

Юқоридаги санада сотилмай қолган автотранспорт воситалари 2013 йил 16, 23, 30 июл кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда мунтазам равишда чиқарилиб борилади. Аукцион савдоси ғолиби томонидан асосий воситаси сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00дан 17:00гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Auto Trade Cooperation» МЧЖ Бухоро вилоят филиалининг АТИБ «Ипотека банк», МФО: 00119, СТИР: 302477464, 20208000705015685002 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак. Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. **Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил:** Бухоро шаҳри, Қарши дарвозаси кўчаси, 1-уй. **Электрон манзил:** : avto_tc@mail.ru Тел: 542-19-91. **Гувоҳнома** № 005148.

**«Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилоят филиалининг 2013 йил 1 майдан 1 июлга қадар сотилган мулклари тўғрисида МАЪЛУМОТ.**

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси ёқаси, 3-зона ҳудудида жойлашган, Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуаси қуриш учун 188 кв.метрдан иборат ер майдони бошланғич баҳоси 132 743, 04 тийин, сотилиш баҳоси 4 500 000 сўм.

Бухоро вилояти, Пешку тумани, Янгибозор ШФЙ, Дўстлик кўчаси ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан 1, 2-сонли ер майдонлари, бошланғич баҳоси 1 210 000 сўм, сотилиш баҳоси 1 573 000 сўм.

**Қўшимча маълумотлар учун манзил:** Бухоро.шаҳар, Қарши дарвозаси кўчаси 1-уй.

**Мурожаат учун телефон:** 452-00-03. **Электрон манзил:** buxoro@realtor.uz

**Хизматлар лицензияланган**

**Ховос, Сардоба туманларининг марказдан олис қишлоқларида «Агар аёл тадбиркор бўлса» лойиҳаси доирасида семинарлар ўтказилди.**

## Агар аёл тадбиркор бўлса

Мазкур тадбир Обод турмуш йили муносабати билан «Микрокредитбанк» ОАТБ, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда аҳоли фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, банк томонидан ажратилаётган микрокредитлар ҳақида қимматли йўл-йўриқлар берилди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

# тенг ҳуқуқ, тенг ваколат ва тенг имкониятларга эга. Бу ёғи билим, тажриба ва малакага боғлиқ

лар жамоа шартномасига қандай тартибда киритилган бўлса, айнан шундай тартибда қайта кўриб чиқилиши, яъни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 4,24,32,37,38 ва 40-моддаларида белгиланган талаб ва тартиблардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиниши лозим.

Ҳар бир корхонада иш берувчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ички меъёрий ҳужжатларнинг сифати ва мазмуни, ижроси ва назорати корхонадаги меҳнат муносабатларига оид барча масалаларни ҳал қилишда касаба уюшма ташкилотининг эътирофи ва фаолиятининг мазмунини таъминловчи асосий омиллардандир. Бугунги кунда, шундай ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва уларнинг таъсирчанлигини оширишда бошланғич ташкилотларга бевосита амалий ва услубий ёрдам бериш ишларини талаб даражасида ташкил қилиш ва кучайтириш юқори касаба уюшма органларининг асосий вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ҳам кейинги йилларда юқорида қайд этилган вазифаларга, жумладан, тармоқ тариф келишувлари ва жамоа шартномаларининг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, ижросини таъминлаш ва назорат қилиб бориш, бошланғич ташкилотларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш, устувор йўналишлар бўйича услубий қўлланмалар ҳамда жамоа шартномаларининг тармоқ макетларини, тармоқ миқёсида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, 2010-2012 йиллар давомида бу борада эришилган натижалар бўйича қисқача қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- ижтимоий-иқтисодий ҳимоянинг асосий йўналишлари бўйича иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни таъминлаш ва кучайтириш, жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш масалаларига қаратилган 3 та услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, бошланғич ташкилотларга етказилди;
- тармоқ тизимидаги корхоналарнинг мақоми, хўжалик юритиш услуби, ишлаб чиқариш хусусиятлари ва ишловчилар сони инобатга олинган ҳолда жамоа шартномаларининг 2 та тармоқ макети ишлаб чиқилиб, бошланғич ташкилотларга етказилди;
- тармоқ тариф келишувлари ва жамоа шартномалари орқали меҳнат ҳақи билан боғлиқ тўловларнинг шакли, мезонлари ва манбалари, энг кам иш ҳақи ва ўртача ойлик иш ҳақи миқдорлари ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми 50 фоиздан кам бўлмаслигига, меҳнат шароитлари инобатга олинган ҳолда ишчиларнинг тариф ставкаларига нисбатан тармоқ коэффициентлари қўлланилишига эришилди;
- келишувлар ва жамоа шартномасидаги мажбуриятлар доирасида тармоқлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткасининг «1» разряди республика миқёсидаги тариф сеткасининг «1» разрядига нисбатан қарийб 1,2 баробарга ортиқ бўлишига, ўртача иш ҳақи эса 1,6 — 1,9 баробаргача оширилишига эришилди. Жумладан, нефтгаз тармоғи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдори охирги уч йил давомида қарийб 2 баробарга оширилиб, 2012 йил якуни бўйича республикадаги энг кам иш ҳақининг 13 баробаригача, энергетика тармоғи бўйича 1,8 баробарга оширилиб, республикадаги энг кам иш ҳақининг 9 баробаригача, кимё саноати тармоғи бўйича 1,6 баробарга оширилиб, республикадаги энг кам иш ҳақининг 7 баробаригача ва геология тизими бўйича 1,8 баробарга оширилиб, республикадаги энг кам иш ҳақининг 10 баробаригача етказилишига эришилди;
- жамоа шартномалари орқали йил давомида бир кишига сарфланган маблағ 1,5 баробарга ортиб, 2012 йил якуни бўйича 3470 минг сўмга етказилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда касаба уюшма ташкилотлари ўз фаолиятларини ташкил қилиш ва амалга оширишлари учун барча ҳуқуқий асослар, тартиб-қоидалар ва керакли меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Шундай муҳит ва майдон яратилганки, бунда барча даражадаги касаба уюшма етакчилари ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун тенг ҳуқуқ, тенг ваколат ва тенг имкониятларга эга. Фақат билим, тажриба ва малакага таянган ҳолда масъулият билан ишлаш, юқорида қайд этилган имкониятлар ва асослардан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадга эришиш омилидир.

**Ғафуржон ҲАМИДОВ,**
**Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари**

ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси жамоаси «Умид гулшани санаторийси» директори Дилором Махамадалиевага турмуш ўртоғи

**Илёсхон МАХАМАДАЛИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Омон бўлинг,
МУШТАРИЙ

Ishonch
2013-yil 8-iyun № 69 (3262)

ОБОД ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

# Мен Урганчда адашдим

*(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада).*

Бир нима юрагимни қаттиқ чимчилагандек бўлади-ю, ҳадиксираб қарайман адибга: Аҳмад Яссавий бобога тенглашиб бўларканми?!

— Менга «адютантлик» ёқади, — дейман ҳазил аралаш.

Адиб кулади.

Мезбонлар бизни Урганч томошасига бошлайди. Янгидан қурилаётган шаҳарни айланиш кимга ёқмайди, дейсиз. Қўнғиртус кўпқаватли бинолар, равон кўчалар, бир-биридан гўзал хиёбонлар дилга қувонч бағишлайди. Гўё мен ўзимни Париж кўчаларида юргандек ҳис эта бошлайман. Адибнинг кўз қарашлари диққатимни тортади.

— Отасига раҳмат... бу зўр иш бўлибди.

Ошиқ Эркин — Хоразм вилоятининг ардоқли шоири уйига бошлаб кетади. Меҳмон отанг каби улуғ. Кеч тушади. Икки қария ҳамон суҳбатда. Эртага бир эмас, икки жойда учрашув бор. Мен секин меҳмонхонага чиқиб, китоб, газета титкилайман. Қўлимда «Хоразм ҳақиқати» газетасининг «тандирдан бугун узилган» нусхаси.

«2012 йил 6 декабрда Президентимиз Ислом Каримовнинг: «Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Натижалар қандай?

Урганч шаҳрининг умумий майдони — 2897 гектар, аҳолиси — 140 минг нафарни ташкил этади.

Бундан 60 йил олдин шаҳарда биттагина Кўҳна қалъа маҳалласи бўлиб, кўчалар тор, уйлар пастак, йўллар ёзда чанг, қишда лой эди.

Вилоят ҳокимлиги маълумотномасидан:

«Жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра барча манбалар ҳисобига 33,5 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Урганч шаҳрини реконструкция қилиш жараёнида жами 48 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган».

Кўзимиз билан кўрганларимиз:

Шаҳардаги қурилиш, ободончилик ишларидан аҳоли жуда хурсанд. 35 та маҳаллада ободончилик ишлари давом этмоқда.

Муяссар Оллоберганова, 1-сон кўп тармоқли вилоят шифохонаси ҳамшираси:

— Аввалги уйимиз эски бўлиб, биров келса, уялиб кетардик. Янги уйни қуриб олишда ҳокимият томонидан моддий ёрдам беришди. Қизим Урганч Давлат университети талабаси, ўғлим коллежда таҳсил олади. Насиб қилса, янги ҳовлимизда уларнинг тўйларини ўтказишни ният қилиб турибмиз.

Ойбиби момо Вафоева, 80 ёшда:

— Ободончилик ишларини кўриб, ёшариб кетдим. Ушбу хайрли ишларга мен ҳам ҳисса қўшсам, дейман. Айниқса, янги уйлар қуриб, уларга кўчиб бораётган қўшниларимни кўриб жуда қувонаман. Шукр, замонамиз тинч, ҳаётимиз фаровон!

Шоир Ошиқ Эркин ҳам кўча юзида чиройли иморат солибди: бир катта хонасини кутубхонага ажратган, тартиб билан терилган китобларни кўриб, ҳавас қилдим.

Бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботни тўлиқ келтирсам, мақола чўзилиб кетади, лекин зийрак газетхон учун шуларнинг ўзи етарли.

Ошиқ Эркин аканикидан чиқиб, меҳмонхонагача адашиб кетганимни энди айтсам бўлади: шу баҳона янги Урганчни бир айланиб чиқиб, ҳузур қилдим.

Мусо Хоразмий ҳайкали пойида бир зум хаёлга ботдим:

«Алгоритмни ихтиро этиб, бугун-да инсониятга эзгулик бахш этиб турган бобо! Дуо қилинг, Урганч дунё тургунча шундай обод бўлиб турсин. Халқимизга ободлик ярашади!».

Майин шамол эсиб ўтади. Биласизми, бу ерларнинг ҳавоси одам кўнглига ўзгача туйғу, бир тиниқ сурур солади: чиндан ҳам муқаддас тупроқнинг ажиб таровати бор.

Кўнглингиздан «фақат томоша қилдингларми?» деган гап ўтганини сезиб турибман. Агар мен Урганч давлат университетида, Шовот маиший хизмат касб-ҳунар коллежида, Боғот туман Марказий маданият уйида ўтказилган учрашувлар, Саъдулла Сиёевнинг «Аҳмад Яссавий» асари борасидаги баҳс-мунозаралар, саволларга берилган жавоблару Ошиқ Эркиннинг муҳаббат ҳақидаги шеърларидан сеҳрланиб, кўпдан-кўп олқишларга сазовор бўлганини, Гавҳар Ибодуллаеванинг «Юрагимда яшаётган сир» шеърий тўплами юзасидан тўхталсам, мақола янада семиради. Келинг, улар бизнинг юрак қувончларимиз бўлиб қолсин. Энг муҳими, адабиётни севадиган, китоб ўқийдиган, боласининг илмли, комил инсон сифатида шаклланишини истаётган зукко, танти, қалби дарё, улуғ халқимиз борлигини ана шу учрашувлар яна бир карра исботлади.

Ижодий сафар давомида янги дўстлар орттирдим. Шоир Отабек Исмоилов, камтар, меҳмондўст Абдулла Сафоев ва кўзлари ҳамиша маъноли боқувчи шоир Болтабой Бекматовларнинг юртимиз ободончилиги, болаларимиз эртаси, ва қолаверса, адабиётимиз ҳақида айтган фикрлари ёдимда муҳрланиб қолди. Айниқса, Болтабойнинг марҳум шоир Матназар Абдулҳакимовдан бир умрга миннатдор бўлиб қолгани ҳақидаги хати мени анча ўйлантириб қўйди. Матназар ака уни даладан олиб келиб, тўгараккa жалб этган, 500 шеърий сатрини сўзма-сўз таржима қилиб, танловга юборган, ўқишга даъват этган, ижодига юқори баҳо бериб, руҳлантириб турган. Шоир бугун ҳам ана шундай қўллаб-қувватлайдиган устозларга талпинади. Эҳтимол, у бизнинг орамиздан ҳам иссиқ меҳр излади ва нималарнидир ўзича кашф этди.

Ўзимиз-чи?

Бошқаларни билмадиму, мен Хоразмда бу сафар фақат китоб тақдимоти таассуротлари билангина эмас, шукроналик ва ғурур туйғуларига ҳам тўйдим.

Оқсоқол адибимиз ҳам хурсанд.

— Устоз, чарчамадингизми? — дея гапга ундайман у кишини.

— Шунча Хоразмга келиб, бу сафаргидай қувонмаган эдим. Шайх ул-машойихнинг руҳлари шод бўлсин!

Бундан ортиқ баҳо борми?

Мен атайин кўп гапларни такрор қаламга олмадим. Умуман, Хоразм вилояти бўйича олиб борилаётган қурилиш, ободончилик, маънавий-маърифий ишлар ҳақида ёзадиган бўлсак, таҳсинга сазовор фикрларни айтишимиз мумкин, буларни эса барчамиз ҳар куни телевидениедан кўриб, радиодан эшитиб, газета-журналлардан ўқиб турибмиз. Ёзувчи ва шоирларнинг бошини қовуштириб, уларни ана шундай жонли учрашувларга жўнатаётган уюшмамиз масъулларининг дилларида гуллар унсин! Ҳай, охирги гап: Урганчда адашиб қолмай десангиз, бир йилда уч-тўрт марта боринг, дунёга янги туғилгандай бўлиб қайтасиз!

**Тўлқин ҲАЙИТ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

КЎРГАЗМА

**Она-юртимизнинг қайси гўшасида бўлманг, одамларнинг туғилиб-ўсган қишлоғи, маҳалласини гуллатиб-яшнатаётганига гувоҳ бўласиз. Бундай манзаралар рассомларнинг эътиборини жалб этиб, ажойиб асарлар яратишга ундаши шубҳасиз.**

# «Ғилон наволари»

Тошкентдаги Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадиий академияси, Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳамда Бадиий кўргазмалар дирекцияси томонидан ташкил қилинган «Ғилон наволари» номли катта кўргазма барчада катта таассурот қолдирди. Обод турмуш йилига бағишланган кўргазмада рангтасвир устаси, истеъдодли ижодкор Муҳаммадиёр Тошмуротовнинг 100 дан зиёд асари намойиш этилди.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти рангтасвир кафедрасининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Кумуш медали» соҳиби М.Тошмуротов 34 йилдирки ижодини педагогик фаолият билан уйғунликда олиб бормоқда. Кўргазма асарларининг аксариятини «Ғилон туркуми»даги композициялар эгаллаган. Чунки мусаввир ушбу масканда жуда кўп марта ижодий сафарларда бўлган. У ўз асарларида тоғ қишлоғи табиатининг гўзаллиги, бу ерда яшаётган ўзига хос феъл-атворли, миллий удумлар асосида турмуш кечирувчи аҳолининг оддий кунларини бадиий-тасвирий образлар талқинида ҳаққоний акс эттиради. Шундай мукаммал композициялар сирасига «Ғилонда қиш. Кўча», «Ҳашар», «Фариштали Ғилон», «Шудгор», «Оқшом», «Ғилон онаси», «Ғилон тонги», «Қуёшли Ғилон», «Ғилон аёллари», «Ғилон оҳанглари», «Менинг Ғилоним», «Тандир» каби ҳар бири ўзига хос воқеликларни ифоловчи рангтасвирларни киритишимиз мумкин. Кенг қамровли, мазмун-моҳиятига фалсафий ўй-фикрлар сингдирилган «Ғилон сютаси» таркибидаги «Куйлаётган», «Оналик», «Уста» номли асарлар бир-бири билан боғлиқ «триптих» бўлиб, ҳаёт абадийлиги, аммо вақтнинг учқурлиги, умр мазмуни ҳақида фикр уйғотади...

«Сарчашма» туркумига мансуб асарлар қаторида эса «Раҳмон ота 100 ёшда», «Сарчашмадаги ҳовли» деб номланган рангтасвирларни кўрасиз. «Ғилоннинг беғим кунлари» мавзуида ишланган тасвирлар ҳам бир неча бўлиб, тоғ қишлоғи одамларининг одатий меҳнат онлари, оилавий қувончлари, кундалик турмуш ташвишлари, инсонларни ўраб турган асрий пурвиқор тоғлар кўрку тароватидан ҳикоя қилади.

Рассом бир неча йил муқаддам яратган «Саноатлашган Ўзбекистон» туркумидаги композициялар ичида «Нуробод ГРЭСи қурилиши», «Олмалиқ тиббиёт заводи» каби асарлар ҳам бор. Мусаввир маҳоратидан дарак берувчи натюрморт ҳамда портретлар аниқ тасвири, ёрқин ранглари билан ҳар қандай талабчан томошабин эътиборини торта олади. Улар «Гултожихўроз», «Саллагул», «Оқ олтин», «Қизилпойча натюрморти», «Автопортрет», «Нусратилла портрети», «Садриддин бобо» кабилардир.

М.Тошмуротов ижодий фаолиятининг яна бир ажойиб қирраси унинг «аниималистик» мавзудаги асарларида намоён бўлган. Овчилар жамиятининг аъзоси мамлакатимиз рассомлари ичида шу қизиқиши билан ҳам ажралиб туради. Унинг «Ёввойи қуш ва ит», «Какликлар», «Ов манзараси» каби асарлари шундан далолат беради. Мусаввир бир нечта хорижий мамлакатларда ҳам асарларини намойиш қилганлиги, унинг айрим ижод намуналари ўша ердаги коллекциялардан ўрин олганлиги ҳам маълум.

60 ёшини нишонлаётган устоз рассом М.Тошмуротов ижоддаги фаоллиги учун Бадиий академиянинг дипломига сазовор бўлди.

**Бахром ТОЖИЕВ,**
**рассом-санъатшунос**

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

# Халқаро турнир маликалари

**Пойтахтимизда давом этаётган анъанавий «Happy Caravan» халқаро турнирида спортчиларимиз алоҳида предметларда машқ бажариш бўйича иккитадан олтин ва кумуш, бир бронза медални қўлга киритди.**

Яккаликлар ўртасида умидли гимнастикачимиз Сабина Тошкенбоева тўпда композиция намойиш этиш бўйича олтин медалга сазовор бўлди. Россиялик Олеся Петрова кумуш, қозоғистонлик Сабина Аширбаева бронза медал билан кифояланди.

— Халқаро турнирда Ўзбекистон ёшлари шижоат ва маҳорат, истеъдод ва салоҳият бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашни мақсад қилган эдим, — дейди турнир ғолибаси С.Тошкенбоева. — Мақсадим рўёбга чиққанидан, мураббийларим, яқинларим ва мухлислар ишончини оқлаганимдан хурсандман.

Ҳалқада машқ бажариш бўйича икки вакилимиз совриндор бўлди. Равиля Фархуддинова кумуш медални қўлга киритган бўлса, Жасмин Юсуповага бронза медал насиб этди. Россиялик Дина Аверина олтин медалга сазовор бўлди.

Гуруҳлар ўртасида ҳалқада машқ бажаришда Фарангиз Аҳмедова, Комила Рустамова, Гўзал Раиманова, Сабрина Рамозонова, Карина Тагаева ва Ирина Салеҳдан иборат Ўзбекистон жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Мамлакатимизнинг Нозима Собирхонова, Самира Амирова, Диана Орехина-Рижина, Екатерина Сабристова, Даяна Эргашева ва Алина Қосимовадан иборат яна бир гуруҳи кумуш медал билан тақдирланган бўлса, қозоғистонлик спортчилар кучли учликдан жой олди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Суратда: Ўзбекистонлик гимнастикачи қизлар (1-ўрин).

**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат**

СПАРТАКИАДА

**Фарғонада вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги бошланғич ташкилотларда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари ўртасида «Саломатлик спартакиадаси» бўлиб ўтди. Фарғона шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида ўтказилган мусобақаларда шаҳар ва туманлар босқичида ғолиб чиққан жамоалар иштирок этди.**

# Соғлом турмуш учун

Якунда волейбол бўйича ғолиблик Фарғона шаҳридаги 5-оилавий поликлиника ходимларига насиб этди. Мини футбол беллашувларида вилоят қон қуйиш маркази ходимлари шоҳсупага кўтарилди. «Дори-дармон» очиқ акциядорлик жамияти ходими Зафар Соипов стол теннисида барча рақибларидан устун келди. Армреслинг мусобақаларида эса 5-оилавий поликлиника касаба уюшма қўмитаси раиси Шавкатжон Раззоқов ғолибликка эришди.

**А. ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# Ўрик

**Ўрик меваси таркибида қанд, органик кислоталар, пектин, крахмал, ошловчи моддалар, темир, мис, калций, магний микроэлементлари, калий тузлари билан бир қаторда, витамин С, РР, каротин каби фойдали моддалар мавжуд.**

Халқ табобатида ўрик дарахтининг барги, гули, елими ва мевасидан инсон саломатлиги йўлида фойдаланиб келинган. Шунингдек, ўрик мағзидан тайёрланган дамлама юрак хасталиклари, хафақонда, нафас йўллари яллиғланишида, кўкйўталда қўлланилган.

Абу Али ибн Сино ўрик ва унинг елимидан меъда-ичак фаолиятини яхшилашда фойдаланган. Ўрикни сувда қайнатиб ичилса, чанқоқни босади, қон босимини пасайтиради, меъда ҳароратини туширишга ёрдам беради. Жумладан, ўрик данагининг мағзидан ёғ олинади. Бу ёғни илиқлигида қулоққа томизилса, дардга таскин беради.

Ёғи буйрак ва қовуқ тошларини майдалайди, ички ва ташқи бавосирга шифо бағишлайди.

Лекин шуни унутмаслик лозимки, ўрикни наҳорга оч қорнига истеъмол қилиш соғлиқ учун зарар. Ўрикни давомли равишда тановул қилиш ичак яллиғланишига олиб келади.

**Ўктам УСМОНОВ**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдолари хабарномаси.

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

**2013 йил 25 июн куни соат 11:00да, Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 07.01.2013 йилдаги 10-1207/24987-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «BAZO MEDIA GROUP» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 04.06.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 06.06.2013 йилдаги 52-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги 2010 йилда ишлаб чиқарилган «МАТИЗ» русумли давлат рақами 01 607 ХАА бўлган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 16 667 000 сўм.**

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 24 июн кунига қадар соат 10:00 дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:
Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати)
Тел: +99893 529-30-13, +99893 553-51-41. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

**Хизматлар лицензияланган**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 1 345